БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 191 (682)

28 СЕНТЯБРЬ ЖУМА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг КПСС Бошқирдистон область комитети ва Бошқирдистон АССР Министрлар Советига табриги (1-бет).

Н. С. Хрушчев ва Иосип Броз Тито ўртоқлар Совет Иттифоқига жўнаб кетдилар (1-бет).

Пахта тайёрлаш планини Улуғ Октябрь революциясининг 39 йиллиги кунигача бажарайлик! (1-бет).

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ: **С. Усмонхўжаев.** — Ердам кассалари фаолиятини яхшилайлик (2-бет).

АГИТАТОР, СУҲБАТИНГДА ФОЙДАЛАН: **Ҳ. Собиров.** — Олтинчи бешйилликда СССР нинг миллий даромади (2-бет).

Хитой Коммунистик партиясининг Умумхитой VIII съездида (3-бет).

Юқори Чирчиқ район колхозлари каноп ва жут тайёрлаш давлат планини бажардилар (3-бет).

БМТ нинг Хавфсизлик Кенгашида (4-бет).

Италия Коммунистик партиясининг съездига тайёргарлик (4-бет).

Ҳиндистон вице-президенти Радҳакришнан Индонезияга келди (4-бет).

Президент Сукарно Прагадан жўнаб кетди (4-бет).

Ҳиндистон шахматчилари Ўзбекистонга келди (4-бет).

Областимизда (4-бет).

Агитаторнинг пахта йиғим-теримидаги бурчи

Агитатор ўзининг жанговар сўзи билан миллионларнинг ижодий ғайратини қўзғатади, уларни янги меҳнат ғалабаларига илҳомлантиради. Тўғри ташкил этилган жанговар агитация ҳар бир колхозчи, МТС ва совхоз ишчисининг қалбида ўз кучига ишонч туғдиради, уларни буюк ишларни бажаришга, ижодий ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ишлашга ундайди.

Ҳозирги кунда колхоз ва совхозларимиз далаларида пахта йиғим-терими қизғин давом этмоқда. Колхозчилар, МТС ва совхозларнинг ишчилари партия ва ҳукуматимизнинг пахтакорлар тўғрисида қилаётган оталарча ғамхўрлигига жавобан фидокорона меҳнат қилмоқдалар, мўл ҳосилни нобуд қилмасдан ўз вақтида йиғиб-териб давлатга топшириш учун курашмоқдалар. Далада ижодий меҳнат қайнамоқда. Ҳар бир минут, ҳар бир соат ва ҳар бир кун ғанимат. Вақтида териб олсанг ютасан, териб олмасанг ютқазасан.

Пахта йиғим-теримининг шундай масъулиятли даврида пахтакорлар ўртасида сиёсий агитация ишларини пахта йўлга қўйиш айниқса муҳимдир. Партия ташкилотлари кенг агитаторлар армиясини ишга солиб, сиёсий агитация ишларининг жонли ва ҳаётчан бўлиши учун курашишлари, уни ҳозирги кунинг амалий вазифалари билан боғлаб олиб боришлари керак.

Сиёсий агитация ишларини ташкил этиш ва ўтказишда агитатор марказий фигурадир. Энг яхши агитатор далада сиёсий агитация ишларининг боришига бевосита таъсир кўрсатади, сиёсий агитация ишларини намунали ташкил этишда партия ташкилотларига яқиндан ёрдам беради. Шуни ҳисобга олиб район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари агитаторлар танлаш ва тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор бермоқдалар.

Бу соҳада Мирзачўл районидаги «Фарҳод» совхози партия ташкилоти ҳузурида ташкил этилган агитколлективнинг иши диққатга сазовордир. Совхоз партия ташкилоти йиғим-терим даврида сиёсий агитация ишларини айниқса жонлантириб юборди. Совхознинг ҳар бир агитатори ишлаб чиқариш бригадаларига бириктириб қўйилган. Агитаторлардан Тожибоев, Кожевников, Холмирзаев, Тошпўлатовлар айниқса намуна кўрсатиб ишламоқдалар. Улар ишлаб чиқариш бригадаларида бўладилар, дам олиш вақтларида совхоз ишчиларига кундалик газета ва журналларни ўқиб берадилар, халқаро аҳвол ҳақида, назарий ва иқтисодий темаларда суҳбатлар ўтказадилар. Совхоз агитаторлари партия ва ҳукуматимизнинг Мирзачўлни суғориш ва ўзлаштириш тўғрисидаги қарорини совхоз ишчилари, хизматчилари ўртасида кенг ишлаб чиқдилар ва уларни янги меҳнат ишлаб чиқариш бригадаларида бўлиши керак. Олинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун ўз зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олиб ишламоқдалар. Агитатор ана шу кўпминг килограммчи меҳнат илғорларининг тажрибасини меҳнаткашлар ўртасида кенг ёйиши керак. Агитатор кўпминг килограммчи теримчиларнинг иш тажрибаларини кенг пропаганда қилиш билан бирга, меҳнатга ялқовлик билан муносабатда бўлаётган, меҳнат интизомини бузаётган кишиларга нисбатан муросасиз бўлиши, дангасалар, ишёқмасларни фош қилиши, пахтанинг нобуд бўлишига йўл қўйётганларга нисбатан жамоат нафратини қўзғатиши лозим.

Пахта ўзбек халқининг миллий пфтихоридир. Агитатор суҳбат ўтказган вақтда пахтанинг совет экономикасида тутган ўрнини, унинг энг қимматли хомашё эканлигини тушунтириб бериши зарур. Шуни унутмаслик керакки, пахта йиғим-терими қисқа муддатларда сифатли қилиб ўтказиш давлат планининг муддатидан илгари бажарилишини таъминлайди. Шу билан бирга, агитатор далиллар келтириб, пахтанинг нобуд бўлиши—чаноқда қолиб кетиши ёки тўкилиб қолиши давлатга, колхоз ва колхозчиларга катта зарар келтиришини исботлаб бериши зарур. Бунда агитатор пахта нобудгарчилигига қарши кураш темасида чиққан диаграммалардан, плакатлардан, газета ва журнал материалларидан фойдаланиши лозим.

Колхоз ва совхозларда пахта йиғим-терими қизиб кетган ҳозирги кунда агитаторнинг жойи далада, бевосита ишлаб чиқариш бригадаларида бўлиши керак. Олинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун теримчилар, механизаторлар ўртасида социалистик мусобақани қизитиб юборишда партия ташкилотларига яқиндан ёрдам бериш — агитаторнинг шарафли бурчидир. Сиёсий агитацияни шундай ташкил этмоқ керакки, у колхозчилар, механизаторлар ва совхоз ишчиларининг ғайратига-ғайрат, кучига-куч қўшсин.

Район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари агитколлективлар ишини тўғри ташкил этишлари, сиёсий агитация ишларининг ўтиши, сифати устидан систематик равишда контроль олиб боришлари зарур. Сиёсий агитациянинг бутун кучини пахта тайёрлаш давлат планини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 39 йиллиги кунига қадар бажаришга қаратмоқ — партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Бундай аҳволни Бекобод, Қуйи-Чирчиқ ва Верхне-волинск районларида кўриш мумкин. Сиёсий агитация ишларини ташкил этишдаги формализмга мутлақо чек қўйиш керак.

Сиёсий агитациянинг кучи унинг жанговарлигидадир. Сиёсий агитацияда шаблонга мутлақо йўл қўймаслик керак. Агитатор кенг меҳнаткашлар оммасига партиямиз қарорларини етказувчигина бўлмасдан, балки бу қарорларни амалга ошириш учун актив курашчи ҳам бўлиши керак. Дала шийпонларида, ишлаб чиқариш бригадаларида ўтказиладиган лекция ва суҳбатларнинг юксак ғоявийлиги учун курашиш, сиёсий агитацияни ҳарбир район, колхоз, МТС ва совхозлар олдида турган конкрет вазифалар билан боғлаб ўтказиш — агитаторнинг шарафли бурчидир.

Ҳозирги вақтда колхоз ва совхозларимиз далаларида пахта йиғим-терими тобора қизиб бораётган бир пайтда минглаб колхозчилар, совхоз ишчилари мавсумда 10-15 минг килограмм ва ундай ҳам ошириб пахта териб бериш учун ўз зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олиб ишламоқдалар. Агитатор ана шу кўпминг килограммчи меҳнат илғорларининг тажрибасини меҳнаткашлар ўртасида кенг ёйиши керак. Агитатор кўпминг килограммчи теримчиларнинг иш тажрибаларини кенг пропаганда қилиш билан бирга, меҳнатга ялқовлик билан муносабатда бўлаётган, меҳнат интизомини бузаётган кишиларга нисбатан муросасиз бўлиши, дангасалар, ишёқмасларни фош қилиши, пахтанинг нобуд бўлишига йўл қўйётганларга нисбатан жамоат нафратини қўзғатиши лозим.

Пахта ўзбек халқининг миллий пфтихоридир. Агитатор суҳбат ўтказган вақтда пахтанинг совет экономикасида тутган ўрнини, унинг энг қимматли хомашё эканлигини тушунтириб бериши зарур. Шуни унутмаслик керакки, пахта йиғим-терими қисқа муддатларда сифатли қилиб ўтказиш давлат планининг муддатидан илгари бажарилишини таъминлайди. Шу билан бирга, агитатор далиллар келтириб, пахтанинг нобуд бўлиши—чаноқда қолиб кетиши ёки тўкилиб қолиши давлатга, колхоз ва колхозчиларга катта зарар келтиришини исботлаб бериши зарур. Бунда агитатор пахта нобудгарчилигига қарши кураш темасида чиққан диаграммалардан, плакатлардан, газета ва журнал материалларидан фойдаланиши лозим.

Колхоз ва совхозларда пахта йиғим-терими қизиб кетган ҳозирги кунда агитаторнинг жойи далада, бевосита ишлаб чиқариш бригадаларида бўлиши керак. Олинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун теримчилар, механизаторлар ўртасида социалистик мусобақани қизитиб юборишда партия ташкилотларига яқиндан ёрдам бериш — агитаторнинг шарафли бурчидир. Сиёсий агитацияни шундай ташкил этмоқ керакки, у колхозчилар, механизаторлар ва совхоз ишчиларининг ғайратига-ғайрат, кучига-куч қўшсин.

Район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари агитколлективлар ишини тўғри ташкил этишлари, сиёсий агитация ишларининг ўтиши, сифати устидан систематик равишда контроль олиб боришлари зарур. Сиёсий агитациянинг бутун кучини пахта тайёрлаш давлат планини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 39 йиллиги кунига қадар бажаришга қаратмоқ — партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Н. С. Хрушчев ва Иосип Броз Тито ўртоқлар Совет Иттифоқига жўнаб кетдилар

БЕЛГРАД, 27 сентябрь (ТАСС). Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи Секретари, СССР Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Аъзоси Н. С. Хрушчев Югославияда оз вақт дам олганидан кейин бугун эрталаб маҳаллий вақт билан соат еттида Батайница аэродромидан самолётда Совет Иттифоқига учиб кетди.

Н. С. Хрушчев билан бирга ЮФХР президенти Иосип Броз Тито рафиқаси билан, Иттифоқ ижроия вечеси раисининг ўринбосари Александр Ранкович ва Босния ҳамда Герцеговина халқ республикаси халқ скупшчинасининг раиси Джуро Пуцар Совет Иттифоқига жўнаб кетдилар. Улар Қора денгиз бўйида бир неча кун дам оладилар.

Батайница аэродромида Н. С. Хрушчевни, Иосип Броз Тито ва унинг рафиқасини, Александр Ранкович ва Джуро Пуцарни Иттифоқ ижроия вечеси раисининг ўринбосари Эдвард Кардель, Иттифоқ ижроия вечесининг аъзолари Коча Попович ва Миялко Тодорович, Иттифоқ ижроия вечесининг секретари Велько Зековича ва Совет Иттифоқининг Белградаги элчиси Н. П. Фирюбин элчихона ходимлари билан бирга кузатиб қолдилар.

Юқори Чирчиқ райони ва Қуйи Чирчиқ районидаги 2-МТС хизмат қиладиган колхозлар каноп ва жут тайёрлаш планини бажардилар

Юқори Чирчиқ районининг колхозчилари, механизаторлари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари КПСС XX съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 39 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун курашиб, шу йил 24 сентябрда давлатга каноп ва жут топшириш планини 100,3 процент қилиб бажардилар. Район колхозлари ўтган йилнинг шу муддатидагига нисбатан 11364 тонна ортиқ каноп ва жут пояси топширдилар. Топширилган поялларнинг 97 проценти биринчи сорта қабул қилинди.

Шунингдек, район колхозлари 24 сентябрь куни чорвачиликни ривожлантириш планини ҳам барча турлари бўйича бажардилар. Ўтган йилга қараганда икки баравар кўп силос тайёрланди.

Район колхозлари Улуғ Октябрь социалистик революцияси 39 йиллиги шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, ўзларининг мавжуд имкониятларини тўла ҳисобга олган ҳолда биринчи ноябргача далада қолган жут ва каноп ҳосилини ўрибйиришни тугаллаш ҳамда давлатга пландан ташқари 10 минг тонна маҳсулот топшириш, шунингдек 7 ноябргача каноп, жутдан бўшаган майдонларни шудгорлаш ҳамда 1 ноябрьгача давлат пахта тайёрлаш планини бажариш мажбуриятини олдилар.

* * *

24 сентябрь куни Қуйи Чирчиқ район 2- МТС зонасидаги колхозлар ҳам давлатга каноп ва жут топшириш планини 101,6 процент бажариб, ўтган йилнинг шу муддатидагига қараганда 9153 тонна ортиқ маҳсулот топширдилар.

Бу МТС зонасидаги колхозлар чорвачиликни ривожлантиришда ҳам анча ютуқларни қўлга киритдилар. Жумладан, барча тур моллар туёғини ўстириш плани ошириб бажарилди. Сут соғиш плани 125 процент бажарилиб, ўтган йилга қараганда 2100 центнер ортиқ сут олинди. Ҳар бир сигирдан пландаги 800 ўрнига 1030 килограммдан сут соғиб олинди.

Қорасув райони сабзавот тайёрлаш ва закупка қилиш планини бажарди

КПСС XX съездининг тарихий қарорларини, ҳамда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг, картошка ва сабзавот етиштиришни кўпайтириш ва тайёрлаш тўғрисидаги қарорини амалга ошириш учун курашаётган Қорасув район колхозчилари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 39 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, давлатга сабзавот топшириш ва закупка қилиш планини шу йил 25 сентябрда 100,2 процент қилиб бажардилар. Ҳозиргача давлатга 7344 тонна сабзавот топширилди.

Сабзавот топшириш давом этмоқда.

Пахта тайёрлаш планини Улуғ Октябрь революциясининг 39 йиллиги кунигача бажарайлик!

☆

Қизил байроқли бригадада

Бўстонлиқ районидаги Молотов номли колхознинг ўртоқ Р. Бегматов бошлиқ бригада аъзолари 57 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил топшириш учун курашиб, ҳар куни планнинг 2,5-3 процента миқдорида пахта термоқдалар. Бунга меҳнат тўғри ташкил этилганлиги, социалистик мусобақа ҳар тарафлама кучайтириб юборилганлиги туфайли эришилаётир.

Бригаданинг деярлик барча аъзолари кундалик нормаларини ортиғи билан бажармоқдалар. Х. Икромова, К. Ҳакимова, М. Турдалиева каби ўртоқлар кунига 160-170 килограммдан пахта термоқдалар.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти теримнинг дастлабки кунларидаёқ бу бригадага кўчма Қизил байроқ топширган эди. Бригада аъзолари йиллик пахта тайёрлаш давлат планини 20 октябрьгача бажариш учун курашаётирлар.

Шунингдек райондаги «Қизил тув» колхозида ҳам йиғим-терим ишлари ҳар тарафлама кучайтириб юборилган.

Т. НОСИРОВ,
С. ИРАХМЕДОВ.

☆

Пахта—бизнинг бойлигимиз

Ҳар бир гектар ердаги ғўзада неча юз минглаб кўсак бор. Ана шу кўсакларнинг ҳар биридан териб олинган пахталар жамланиб тонналарни ташкил этади. Демак, ҳар бир кўсак ва ҳар бир чаноқ реал қиймматга эга, чунки жуда кўплаб далалар йиғиндиси бўлган бу кўсак ва чаноқдаги пахталарни етиштириш учун меҳнат, маблағ сарф бўлган. Бунинг самарасидан манфаатдор бўлган деҳқон чигит ерга ташламасдан далага қадам қўйган бўлса, у шу дамгача ғўзани зўр меҳр билан парвариш қилади.

Нега шундай? Ҳар бир кўсак, чаноқ пахтаси тўпланмаса, колхоз ва колхозчи ўнлаб, юзлаб, ҳатто минглаб сўмни йўқотиши мумкин.

Ўтган йиллар тажрибаси шуни кўрсатдики, қўлдан, кўздан ҳали қолган ана шундай «баъзи» кўсаклар, чаноқлар, хирмонда, йўлда тўкилиб нобуд бўлган «арзимаган» пахталар ялпи ҳосилнинг 10-15 процентини ташкил этган, ана шу туфайли колхоз, совхоз, бригадалар планларини бажара олмай қолганлар.

Шундай қилиб, ҳозирги кунинг энг муҳим вазифаси — пахтани ҳеч бир нобуд қилмасдан йиғиб-териб давлатга топширишдир. Ана шу мақсадга атаб Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти М. Калинин ва В. Моргунов ўртоқлар ишлаган «Пахта — бойлигимиз!» деган плакатни нашр этиб, яхши иш қилган. Плакатнинг бадиий ишланиши, ундаги «Нобуд қилма!», «Териб ол», «Қолдирма!» деган сўзлар плакатнинг мазмунини кўрсатиб турипти.

☆

Пахта терими зўр уюшқоқлик билан ўтаётир

ПИСКЕНТ. Хрушчев номли колхоз аъзолари бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун айниқса зўр ғайрат кўрсатдилар. Натижада бу йил колхознинг барча бригадаларида ҳам мўлжалдагидан ортиқ ҳосил етишди. Мазлумки, колхоз ўтган йил контрактация шартномасида белгиланган 16 центнердан пахтани ҳам топширолмай, планни бажармаган эди. Бунинг сабаби ўтган йил ҳосилнинг кам бўлишида эмас, балки йиғим-теримнинг нотўғри уюштирилишида эди.

Колхозчилар пахта йиғим-теримида ўтган йилги ишнинг оқибатини чуқур ўрганган ҳолда, пухта тайёргарлик кўрдилар. Колхозда барча куч терим ишларига сафарбар этилиб, меҳнатни тўғри ташкил этиш учун керак бўлган барча ишлар олиб борилиб, социалистик мусобақа кучайтирилди.

Натижада колхозда терим ишлари гоят уюшқоқлик билан давом этиб, 22 сентябргача йиллик пахта тайёрлаш плани 42 процент бажарилди. Колхознинг айрим бригадаларида терим суръати бундан ҳам жадаллашиб кетди.

Хрушчев номли колхоз аъзолари йиғим-теримни янада жадаллаштириб, ўз мажбуриятларини октябрь ойидаёқ бажариш учун курашмоқдалар.

А. АШРАПОВ.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1956 ЙИЛ 27 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда	Мавсум бошидан
Оҳангарон	1,80	47,83
Пискент	1,87	46,26
Бўстонлиқ	2,82	41,28
Оржоникидзе	1,88	41,03
Мирзачўл	1,71	40,56
Уртасарой	1,64	40,47
Юқори Чирчиқ	1,98	39,89
Верхне-волинск	1,77	38,29
Сирдарё	2,00	37,29
Бўка	1,45	36,68
Гулистон	1,79	36,33
Янгийўл	1,57	34,85
Чиноз	1,29	33,87
Октябрь	1,47	33,26
Оққўрғон	1,55	32,94
Урта Чирчиқ	1,49	32,27
Боёвут	1,68	32,21
Бекобод	1,34	31,72
Қуйи Чирчиқ	2,05	27,77
Калинин	1,28	26,20

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1956 ЙИЛ 27 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Совхозлар	Бир кунда	Мавсум бошидан
6- «Кўкорол»	2,13	43,34
«Дружба»	2,09	36,47
Булганин номли	1,11	36,26
1- «Боёвут»	1,62	31,45
2- «Далварзин»	1,64	31,33
«Малик»	2,31	30,71
3- «Боёвут»	2,22	29,47
1- «Фарҳод»	1,99	28,70
4- «Вревский»	0,70	27,97
4- «Боёвут»	0,98	27,88
«ЎзССР беш йиллиги»	2,05	27,77
1- «Далварзин»	0,85	26,43
«Оққўрғон»	1,51	25,74
Бушуев номли	1,15	18,91

Чинозда пахта хом терилаётир ва нобудгарчиликка йўл қўйилмоқда

Чиноз районидаги кўпчилик колхозларда пахта хом ва ифлос терилиб, нобуд қилинаётир.

Биз район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Қолибоев билан «XIX партсъезд» колхозининг бир неча бригадасида бўлдик. Хирмон ва уваталарда ҳар қадамда оппоқ пахталар ерга тўкилиб, тупроққа қоришиб ётганини кўрдик. Колхознинг ўртоқ Сайфуллаев бошлиқ бригадасида, айниқса нобудгарчилик авж олган. Ерга тўкилган пахталарни териш учун тайинланган кишилар ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қарамоқдалар.

Ўртоқ Қолдибоев бошлиқ бригада теримчилари яхши очилган пахтага «тарози босади» деб, хом пахтани қўшиб терганлар. Мадумаров бошлиқ бригадага келган пайтимизда табелчи ўртоқ Тўлаганов теримчилардан пахта қабул қилаётган эди. Қоп, этаклардан ағдарилган пахтанинг анчагинаси хом эканлигини ҳар қандай киши бир қарашдаёқ пайқаб олади. Аммо колхоз раҳбарлари пинакларини бузмайдилар. Колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Умурзоқовдан:

— Нега пахтани ифлос ва хом теришга йўл қўйилаётир? — деб сўраганимизда:

— Пишган ва тоза пахта терилаётган эди, шу бугун шундай бўлиб қопти-да,—деб қўяқолди.

Шунинг учун бу колхозда пахтани ифлос ва хом териш оммавий тус олган. Бунга ўртоқ Мадумаров бошлиқ бригададан пунктга юборилган пахтанинг 9,9 процент, ўртоқ Қаршибоев бошлиқ бригададан жўнатилган пахтанинг эса 20,9 процента нам бўлгани сабабли қабул қилинмай, қайтарилиб юборилгани мисол бўлаолади. Агар пахта хом терилмаса, шу иссиқ кунларда пунктга нам пахта юборилиши ишонарлими?! Худди ана шу сабабли колхоз пунктга 9473 сўм штраф тўлаган ва 7562 килограмм пахта скидка қилинган.

Райондаги бошқа колхозларда ҳам пахта кўп нобуд бўлаётир. Бунинг устига ҳамма колхозлар ҳам пунктга ифлос пахта келиб турибди. Ворошилов номли колхозлар 19 сентябрда топширилган пахтанинг ифослиги 2,3 процентга етиб, бунинг учун 3091 килограмм пахта скидка қилинган, колхоз 1493 сўм тўлайдиган бўлди. «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозида ҳам аҳвол шундай. Колхоз раиси Аҳмедов, партия ташкилотининг секретари Эргашев ўртоқлар терим ишларини ўзи бўларчиликка ташлаб қўйганлар. Оржоникидзе номли колхозда пахта, айниқса, кўп нобуд бўлаётир. Ўртоқ Шоғуломов звеносида бир метр жойда 200 грамм, бошқача қилиб айтганда, 200 метрли эгатда 40 килограммдан пахта нобуд бўлмоқда.

Оржоникидзе номли колхозда пахта териш ва тайёрлаш кечириб бўлмаслик даражада судралаётир. Район марказидаги бу колхозга район ташкилотларининг раҳбарлари тез-тез келиб-кетиб турадилар. Райком вакиллари — молия бўлими мудири Тўраев, халқ судьяси Ҳасанов ўртоқлар вақти-ваҳт келиб, сводкалар билан танишиб кетадилар. Мажлислар ўтказилади, колхоз раҳбарлари ишда ўзгариш қиламиз деб, тантанали ваъдалар берадилар. Аммо ишда эса ҳеч қандай ўзгариш бўлмаётир. Аксинча, бригада бошлиқлари ва табелчилар кўзбўямачилик билан шуғулланмоқдалар.

Колхоз правлениесидаги сводкаларнинг бирида 3- бригада табелчиси ўртоқ Х. Ҳафизовнинг 14 киши бир норма, 12 теримчи икки норма, 2 теримчи 3 норма бажарди, фақат бир киши норма бажармади, деган маълумотни кўрдик. Демак, 28 теримчи бир кунда 3520 килограмм пахта терган бўлиши керак. Ҳақиқатда эса 2425 килограмм пахта терилган. Бунинг сабаби шуки, аслида 21 теримчи кунлик нормани бажармаган.

Колхознинг ўртоқ Тўлаган Бўриев бошлиқ бригадасида 12 киши ҳалигача теримга қатнашмайди, ўртоқ Зокиров бригадасида эса 32 кишидан 25 киши кунлик нормани бажармаётир. Шунинг учун колхозда ўрта ҳисоб билан ҳар бир киши кунига атиги 48-50 килограммдан пахта термоқда. Колхоз правлениеси меҳнатни тўғри уюштириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва колхозчилар учун қулай маданий-маиший шароит яратиб беришга гоят масъулиятсизлик билан қараб келмоқда. Пахта теримига шаҳарликлар келиши муносабати билан колхозчиларнинг бир қисми пахта теримига қатнашмай, бошқа ишлар билан банд бўлиб юришлар.

Хрушчев номли колхозда ҳосилни машинада териш яхши натижа берайтир. Агар машиналардан қунт билан фойдаланилса, терим суръатини кескин ошириш мумкин. Бироқ, МТС директори ўртоқ Мелехов пахтани машина билан териш ишига гоят юзакичилик билан қарамоқда. Пахтани машинада теришда илғорлари шуҳрат қозонган бу МТС раҳбарлари эндиликда ишга масъулиятсизлик муносабатида бўлаётирлар.

Бу йил 2 минг гектар ердаги пахта машина билан териб олиниши ,бунинг учун 105 та машина ишлатилиши лозим эди. Афсуски, техника ремонти ҳалигача тугалланмаган. Ремонт қилинган 80 та машинанинг фақат 4-5 тасигина ишга солинган. Бир минг гектардан ортиқ майдонлари ғўза сифатсиз доирланганлиги учун ғўза барглари яхши қуримаётир. Бешқа колхозларда ҳам аҳвол шундай. Натижада машинада териш учун ажратилган далаларнинг ҳосили қўл билан теримоқда. Ҳатто «XIX партсъезд» колхозида эса 22 гектарли картанинг пахтасини қўл билан теришга рухсат берилган.

Чиноз районида пахта йиғим-терими ва тайёрлаш суръатини кучайтириш учун барча имконият мавжуд, куч етарли, техника бор. Аммо кўпчилик колхозларда теримчилар меҳнати тўғри ташкил қилинмаган, интизом бўшашиб кетган, ишда уюшқоқсизлик юз берайтир.

Район партия, совет ташкилотлари, МТС ва колхозларнинг раҳбарлари пахта йиғим-терими ва тайёрлашни кучайтиришлари, пахтанинг хом, ифлос терилишига, нобуд қилинишига мутлақо йўл қўймасликлари керак. Шундагина олинган мажбуриятни бажариш мумкин бўлади.

Ш. КУЗАНБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

КПСС Бошқирдистон область Комитети ва Бошқирдистон АССР Министрлар Советига

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети Бошқирдистон АССРнинг колхозчиларини, МТС ва совхоз ишчиларини, қишлоқ хўжалиги мутахассисларини, партия ва совет ходимларини ва барча меҳнаткашларини давлатга 80 миллион пуд ғалла топшириш ва сотиш юзасидан ўз устларига олган мажбуриятларини бажарганликлари билан табриклайдилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети республикадаги колхоз ҳамда совхозларнинг эришган муваффақиятларини тақдирлаб, Бошқирдистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари КПСС XX съездининг ғалла, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни янада кўпайтириш ҳақидаги қарорларини бажариш учун янада зўр ғайрат билан ишлайдилар, деб ишонч билдирадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

Ёрдам кассалари фаолиятини яхшилайлик

Колхозчиларни моддий томондан таъминлашда колхоз ўзаро жамоат ёрдам кассаларининг вазифаси жуда каттадир. Областимиз колхозларида ташкил қилинган 298 колхоз ўзаро ёрдам кассаларининг иши кейинги вақтларда бирмунча яхшиланди. Шу йилнинг олти ойи ичида кўпгина колхоз ўзаро ёрдам кассаларининг иши яхши йўлга қўйилиши натижасида колхоз кассаларининг иши тубдан ўзгарди, колхозчиларга ва касса аъзоларига кўрсатиладиган моддий ёрдам яхшиланди. Колхоз ёрдам кассаларида маблағларнинг (пул ва натура авансларинг) тўғри тақсимланишига эришилди. Ярим йил мобайнида ёрдам кассаси аъзолигига областдаги колхозчилардан 7356 киши қабул қилинди. Колхозлардаги вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган, Ватан уруши инвалидлари ва ёрдамга муҳтож кишиларга пул ва натура ёрдами бериш иши тўғри йўлга қўйилди. 1956 йилнинг олти ойи ичида ёрдамга муҳтож колхоз аъзоларидан областимиз бўйича 7224 киши аниқланиб, уларга 742680 сўм пул, 210253 килограмм галла ёрдами берилди. Қайтариб бериш ва қайтариб бермаслик шарти билан бериладиган ссудаларнинг миқдори ҳам ўтган йиллагига қараганда анча кўпайди. Масалан, ўтган йили ёрдамга муҳтож 24 кишига 25156 сўм қайтариб бериш шарти билан, 36 кишига 21000 сўм қайтариб бермаслик шарти билан ссуда берилган бўлса, 1956 йилнинг ўтган даврида 48 кишига 30700 сўм қайтариб бермаслик шарти билан ва 154 кишига 156458 сўм миқдорида қайтариб бериш шарти билан ёрдам берилди.

Ёрдамга муҳтож колхозчиларни аниқлаш ва уларга моддий ёрдам кўрсатишда областимизнинг Янгийўл, Оржоникидзе, Пискент, Оққўрғон, Калинин ва бошқа районларидаги колхозларда ташкил қилинган ўзаро ёрдам кассаларининг фаолияти диққатга сазовордир.

Масалан, Пискент районидаги 16 та колхоз ёрдамга муҳтож бўлган 68 кишига 4115 сўм пул ва 2800 килограмм галла, Оржоникидзе районидаги 10 та колхоз 47 кишига 5612 сўм пул ва 5000 килограмм галла, Янгийўл районидаги 11 та колхоз ёрдам кассаси орқали 226 кишига 18494 сўм пул ва 3700 килограмм галла топширди.

Кўпчилик районларда эса ёрдамга муҳтож колхозчиларга ва Ватан уруши инвалидларига доимий равишда ёрдам кўрсатилмоқда. Бу ўринда Пискент районидаги Охунбобоев, Тошкент районидаги Калинин, Янгийўл районидаги «Коммунизм», «XIX партсъезд», Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» ва бошқа колхозларнинг ёрдам кассаларини мисолга келтириш мумкин.

СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг 1956 йил 10 мартдаги «Қишлоқ хўжалиги артели уставига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» деб чиқарган қарори муносабати билан областимиз колхозларида уставни кўриб чиқиш вақтида моддий томондан қийналган ва меҳнатга яроқсиз бўлган колхозчиларга ёрдам беришни янада яхшилаш масалалари кўзда тутилди. Пискент районидаги Охунбобоев номли, Оржоникидзе районидаги Хрушчев ва Маленков номли, Янгийўл районидаги Фрунзе номли, Қорасув районидаги Свердлов номли колхозларнинг уставларида ёши 55 дан ошган аёлларга, ёши 60 дан ошган эркакларга ва колхозда доимий хизмат қилган юқоридаги ёшдаги колхозчиларга ойига 10 тадан меҳнат куни ёзиш, Ватан уруши ва кўп болали оналарга эса 0,13 гектар томорқа участкаси бериш кўрсатилди.

Бундай тадбирларнинг кўрилиши ёрдамга муҳтож колхозчилар, Ватан уруши инвалидлари ва кўп болали оналарнинг моддий фаровонлигини оширишга олиб келмоқда. Шу давр ичида колхоз ёрдам кассаларининг маблағидан колхозчиларга ва касса аъзоларига санаторий ва курортларда даволаниш учун 335 та, дам олиш уйларига 65 та путёвка тарқатилди.

Бироқ, айрим районлардаги колхоз ёрдам кассаларининг фаолияти ҳали яхши йўлга қўйилган эмас. Масалан, Қуйи Чирчиқ, Октябрь, Ўрта Чирчиқ, Ховос ва Паркент районларидаги кўпгина колхоз ёрдам кассаларида ёрдамга муҳтож колхозчиларни аниқлаш, касса ишини яхши йўлга қўйиш иши қониқарсиз аҳволда. Шу кунгача Октябрь районидаги мавжуд 14 колхоздан 6 тасида, Қуйи Чирчиқ районидаги 20 колхоздан 8 тасида, Боёвут районидаги 6 колхознинг 4 таси ва Чиноз районидаги 12 колхознинг 4 тасида ёрдам кассалари ташкил қилиш ишига киришилган эмас.

Район социал-таъминот бўлимларининг ходимлари ва айниқса район ижроия комитетларининг раҳбарлари бу колхозларда ўзаро ёрдам кассаларини ташкил қилишга яқиндан ёрдам бермаётирлар. Баъзи колхозларда ташкил топган ёрдам кассаларининг иши ҳам талабга жавоб бермайди. Масалан, шу йилнинг олти ойи давомида Ховос райони бўйича фақат битта ёрдамга муҳтож колхоз аъзоси аниқланган. Ваҳолонки, Ховос районида Ватан уруши инвалидларидан ва вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган колхозчилардан ёрдамга муҳтож бўлган кўпгина кишиларни топиш мумкин эди. Бундан ташқари, Паркент, Қуйи Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ районларидаги колхоз ёрдам кассаси правлениелари касса аъзолари ўртасида ҳисобот бермайдилар. Касса ишлари доимий равишда ревизия қилиб турилмайди. Шунинг натижасида мавжуд колхоз кассаларида пул ва натура даромадларини ҳисобга олиш ишлари чалкаштириб юборилган.

Областимиздаги ўзаро ёрдам кассалари ишини жонлаштириш район партия ва совет ташкилотлари ҳамда социал-таъминот органлари ходимларининг асосий вазифаларидан биридир.

Колхоз ўзаро ёрдам кассалари ишини жонлантиришда район партия ва совет ташкилотлари жойларда социал-таъминот органлари ходимларига яқиндан ёрдам кўрсатишлари, ҳамма колхозларда ҳам колхозчиларнинг ёрдам кассаларини намунали ташкил қилиб, уларнинг ишини яхшилаш учун зарур бўлган барча чораларни кўришлари керак.

С. УСМОНХУЖАЕВ.

Область социал таъминот бўлимининг колхоз ўзаро ёрдам кассалари бўйича старший инспектори.



Киров районидаги Қорамурд кўчаси кундан-кунга ободонлашиб бормоқда. Бу ерда турли уй-жой бинолари қад кўтармоқда. **Суратда:** яқинда шу кўчада «Узбексельмаш» заводининг ишчи ва хизматчилари учун қуриб берилган 12 квартирали уй-жой бинолариннинг кўриниши.

В. Салов фотоси.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

Намунали хизмат қилаётган матлубот жамияти

Қорасув район матлубот жамиятининг ходимлари колхозчиларга савдо хизматини янада яхшилаш учун курашмоқдалар.

Колхоз далаларида кўчма дўконлар ташкил этилди, колхозчиларни зарур хўжалик, саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга алоҳида эътибор берилаётир.

Максим Горький номли, Жданов номли ва Ворошилов номли колхозлардаги 29, 6, 38- магазинлар (мудирлари У. Алимов, Х. Исмоилова ва Мирзаев ўртоқлар) кўчма дўконлар ташкил этиб, колхозларга хизмат қилишни дуруст йўлга қўйганлар. Колхозчилар кўчма дўкон ходимларига зарур бўлган моллари заказ қиладилар. Савдо ходимлари колхозчиларнинг талабини ҳисобга олган ҳолда савдо қилаётганликлари учун ҳаммасининг ҳурматига сазовор бўлмоқдалар ва товар обороти планини муваффақиятли равишда бажармоқдалар. Шу сабабли ҳам район матлубот жамияти ойлик ва квартал товар обороти планини ортиғи билан бажаришга эришаётир.

Районда аҳолига маданий савдо хизмати кўрсатишда жонкуярлик билан ишлаётган савдо ходимлари оз эмас. Райунивермаг бўлим бошлиғи коммунист Қамбар Ғофурова, кўчма дўконда маданий моллар билан савдо қилувчи Савицкий, колхозчиларга автокачкада керосин етказиб бераётган Х. Раҳимов ўртоқлар шулар жумласидандир. Ўртоқ Ғофурова савдо мастеридир, у берилган топшириқларни ўз вақтида ўрнига қўйиб бажаради. Харидорлар билан яхши муомалада бўлади, уларнинг кўнгилларига ёқадиган моллари топиб беришга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам унга харидорлар кўп келади, уни ҳамма ҳурмат қилади. Товар обороти планини ҳар ойда ошириб бажараётгани учун матлубот жамияти уни бир неча марта мукофотлади.

Район матлубот жамияти колхоз ва колхозчиларга, шунингдек, индивидуал тартибда уй-жой қураётган колхозчи ва хизматчиларга қурилиш материаллари етказиб беришда бирмунча ишлар қилмоқда. Шу йилнинг ўтган даврида колхозчиларга 15000 дан ортиқ шифер, 4000 дан ортиқ толь, 50 тонна цемент, кўп миқдорда тахта-ёғоч ва бошқа қурилиш материаллари сотилди. Ленин номли, Сталин номли ва Калинин номли колхозлар кўплаб ҳар хил қурилиш материаллари сотиб олиб, ўз хўжаликларини яхшиламоқдалар.

Ишчи ва хизматчилардан Павлиев, Кулинцов, Аттанов, Сборов ва бошқа ўртоқлар матлубот жамияти етказиб берган қурилиш материаллари билан янги уйлар қуриб олдилар.

Қорасув район матлубот жамияти (раиси ўртоқ А. Умаров) колхозчилар ўртасида савдо хизматини тобора яхшилаб, колхозларда меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, меҳнат унумдорлигини оширишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

М. ЖУРАЕВА.

Шаҳар рационализаторлари ва ихтирочиларининг слёти

26 сентябрда «Қизил тонг» фабрикасининг клубида Тошкент корхоналари рационализаторлар ва ихтирочиларининг слёти бўлиб ўтди. Узсовпроф секретари ўртоқ Парамошкин «Меҳнат унумдорлигини янада оширишда рационализатор ва ихтирочиларнинг вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Кейинги йилларда шаҳардаги завод ва фабрикаларда рационализатор ва ихтирочиларнинг сони қариб 2 баравар кўпайди. Тошкентдаги машинасозлик заводларининг ишчи, инженер-техник ходимлари ўртасида рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракати айниқса оммавий тус олди. Сўнгги 8 ой ичида 5 ярим мингга яқин таклиф ишлаб чиқаришга жорий қилинди ва давлатнинг 9 миллион сўмлик маблағи иқтисод қилинди.

Тошкент тўқимачилик комбинати, «Таштекстильмаш», Каганович номли паровоз-вагон ремонт заводи ҳамда «Ташкабель» заводларининг рационализатор ва ихтирочилари кўпгина янгиликларни қўллардилар. Натижада бу заводларнинг коллективлари меҳнат унумдорлигини ошириб, маҳсулот таннархини камайтириш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш, қўл меҳнатини енгиллатишга эришдилар.

«Ташкабель» заводининг рационализатор ва ихтирочилар ўзаро ёрдам ўртоқ Токарев шу йил сентябрь ойига қадар ўзининг 20 дан ортиқ таклифини амалга ошириб, давлатнинг 600 минг сўмлик маблағини тежаб қолди. «Ташсельмаш» заводининг слесари Герасимов, экскаватор заводининг смена мастери С. Барсуков, токарь Е. Гусев, фрезеровщик А. Пучкин каби юзлаб ишчилар давлат маблағларининг кўплаб тежалишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаётирлар.

Тажриба шуни кўрсатадики, қайси завод ёки фабрикада рационализаторларга етарли аҳамият берилаётган бўлса, улар киритган таклифлар кечиктирилмасдан ўз вақтида ишлаб чиқаришга жорий қилинаётган бўлса, бу корхоналарда рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракати тобора кенгаймоқда.

Аммо шаҳар корхоналарининг ҳаммасида ҳам бу ишга жиддий қаралаётир деб бўлмайди. «Узбексельмаш» заводи ўтган йил рационализатор ва ихтирочиликда олдинги ўринлардан бирини олган бўлса, бу йил барча корхоналардан кейинда қолди. Бунга сабаб шуки, завод директори Стикайло, бош инженер Лабор ўртоқлар рационализаторларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш каби муҳим ишларга эътиборсизлик билан қарамоқдалар. Рационализатор ва ихтирочиларга улар киритган таклифнинг иқтисодий эффектига қараб эмас, балки олдиндан белгилаб қўйилган, 100-150 сўмдан ошмайдиган пул мукофотлари тўланаётир.

Бир ярим минг ишчи ишлаётган пайпоқ-трикотаж фабрикасида атиги 16 ишчининг рационализаторлик ҳаракатида қатнашаётганлиги ажабланарлидир. 1- авторемонт заводида рационализаторлар яратган янгиликни ишлаб чиқаришда қўлланиш мутлақо ёмон аҳволда. Токарь ўртоқ Асасков пармани погонали усулда чархлаш йўли билан мукаммаллаштириб бир асбоб билан уч детални ишлашга муваффақ бўлаётир. Бироқ у яратган янгилигини фақат ўз станогидагина қўлланмоқда. Бу методни заводдаги бошқа токарлар ҳам қўлланиши мумкин эмасми, деб завод комитетининг раиси ўртоқ Циклова мурожаат қилганида, ў «янгилик ярата олган киши, уни пропаганда ҳам қила олиши керак» деб жавоб берган.

Тошкент асбобсозлик заводининг слесари ўртоқ Данилов ўнга яқин рационализаторлик таклифи киритиб, давлатнинг 70 минг сўмлик маблағини иқтисод қилишга муваффақ бўлди. Аммо у ҳар гал янги таклиф киритганда 100 сўмдан ортиқ мукофот ололмади.

Рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатини қурилиш ташкилотларида авж олдиришга мутлақо эътибор берилмаётир. Маълумки, Тошкентдаги қурилиш бошқармаларининг кўпчилиги ойлик, йиллик планларни бажармай келаётир. Сўнгги вақтларда қурилиш ташкилотларида меҳнат унумдорлигини ошириш, қўл меҳнатини енгиллатиш, бажарилаётган иш сифатини яхшилашга қаратилган бирорта дурустроқ таклиф ишлаб чиқаришга жорий қилинмаган. Бу ташкилотлардаги ана шундай камчиликлар тўғрисида докладчи ҳам, сўзга чиқувчилар ҳам ҳеч нарса демадилар.

Слётда қатнашган рационализаторга ихтирочилар ўзларининг ютуқларини ўртоқлашдилар. Шу билан бирга рационализаторларга етарли эътибор бермай келаётган баъзи завод ва фабрикаларнинг раҳбарларини кескин танқид қилдилар. Таштрам вагон-ремонт заводининг электросварщиги ўртоқ Қ. Назаров рационализаторлар томонидан киритилган таклифларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш ўрнига, уни фақат регистрация қилиш билан шуғулланувчи корхона ва БРИЗ раҳбарларини танқид қилди.

«Ташсельмаш» заводининг ишчиси технолог ўртоқ Стрганов рационализаторларни Иттифоқимиздаги илғор корхоналарга тез-тез юбориб туриш ишларига завод раҳбарларининг етарли эътибор бермаётганлиги тўғрисида гапирди.

Слёт қатнашчилари Тошкент тўқимачилик комбинати гул босиш цехининг бошлиғи ўртоқ Оффиндин таклифини қўллаб-қувватладилар. У рационализатор ва ихтирочилик ҳаракатини янада оммавий тус олдириш учун техника информацияларини тез-тез эълон қилиб туриш зарурлигини айтди.

— Шаҳримизда бирхил характерли корхоналар кўп. Улардаги рационализаторлар эҳтимол бир соҳада иш олиб бораётгандирлар. Ўзаро техника информациясини айир бошлаб туриш у ёки бу соҳада иш олиб бораётган рационализаторларнинг ишини осонлаштиради. Ўртоқ Оффиндин шаҳар рационализаторларининг йиғилишини тез-тез ўтказиб туриш, техника пропагандасини яхши йўлга қўйиш ҳақида ҳам гапирди.

Сўзга чиққан «Подъемник» заводининг ишчиси Гаврилов, асбобсозлик заводининг инженери Бойжонов, экскаватор заводининг токари Гусев ва бошқа ўртоқлар Узсовпроф ишидаги жиддий камчиликларни очиб ташладилар, шу вақтга қадар Тошкент шаҳрида инженер-техниклар Уйи ташкил этилмаётганлиги учун касаба союз раҳбарларини танқид қилдилар.

Слёт қатнашчилари республика саноат корхоналарининг ихтирочи ва рационализаторига қарата Мурожаат қабул қилдилар.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Паркент бозоридаги тартибсизликлар“

Газетамизнинг шу йил 22 июль сонида юқоридаги сарлавҳа билан редакцияга хат рубрикаси остида босилган материалда Паркент район бозоридаги тартибсизликлар, соғлиқни сақлаш ва гигиена қоидалари қўпол равишда бузилаётгани танқид қилинган эди.

Меҳнаткашлар депутатлари Паркент район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Нуровнинг редакциямизга хабар қилишича, газета материали бозор комитети ва район соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари ўртасида муҳокама қилинган ҳамда хатда келтирилган фактлар тўла тасдиқланган. Бозорни тоза тутиш ва унда сотиладиган моллар, айниқса, ҳўл мева, сутқатиқлар устидан қаттиқ назорат ўрнатиш тадбирлари белгиланган.

АГИТАТОР, СУҲБАТИНГДА ФОЙДАЛАН!

Олтинчи беш йилликда СССРнинг миллий даромади

СССРнинг миллий даромади социалистик хўжалигининг барча тармоқлари ривожланишининг муҳим иқтисодий кўрсаткичидир. Бу кўрсаткичда саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, қурилиш ва хўжаликнинг бошқа тармоқларида бир йил ичида вужудга келтирилган моддий бойликлар ўз ифодасини топади.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг олтинчи беш йиллик плани юзасидан КПСС XX съезднинг Директиваларида беш йил ичида миллий даромаднинг ўсиши (таққослаб олинган нархларда) тахминан 60 процент миқдорида белгиланган. Бунинг натижасида 1960 йилда миллий даромад ҳажми 1913 йилга нисбатан 27 баравар ортади. Бу ўсиш суръати олдинги даврларга нисбатан анча юқоридир. Таққослаб кўриш учун 1955 йилда 1913 йилга нисбатан миллий даромаднинг 17 баравар ошганлигини кўрсатиб ўтиш кифоядир.

Миллий даромаднинг юқори суръатда ўсишини таъминлаш манфаатлари социалистик ишлаб чиқаришни юқори техника базасида тўхтовсиз ривожлантириш ва такомиллаштиришни талаб қилади. Янги беш йилликда оғир саноат тармоқлари устун даражада ривожлантирилади. Саноатнинг ялпи маҳсулоти 65 процент, оғир саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 70 процент кўпайтирилади. 1960 йилда ялпи дон ҳосили 11 миллиард пудга етказилади.

Узбекистон ССРда 1960 йилда 1955 йилдагига нисбатан пахта етиштириш тахминан 1,5 баравар, электр қуввати ҳосил қилиш 1,6 баравар, кўмир чиқариш—2,4 баравар, нефть чиқариш 1,5 баравар оширилади.

Маълум даврда (масалан, бир йилда) халқ хўжалиги тармоқларида вужудга келган моддий бойликлар йиғиндисининг жами ижтимоий маҳсулотни ташкил қилади. Лекин шу ижтимоий маҳсулот составида ўтган йилларда сарфланган меҳнат натижасида вужудга келган, бу йилги ишлаб чиқарилган маҳсулотга кўчирилган қийматлар ҳам бор. Бунга хомашё, ёқилғи, ёрдамчи материаллар, амортизация, ер ости ва бошқалар киради. Миллий даромад миқдорини ҳисоблаш учун ишлаб чиқаришни тиклашга сарфланган бу харажатларнинг жами ижтимоий маҳсулот составидан айириб ташланади.

Социалистик жамиятнинг миллий даромади ишлаб чиқаришда машғул бўлган ишчилар, деҳқонлар ва интеллигенция томонидан вужудга келтирилган жами ижтимоий маҳсулотнинг бир қисми бўлиб, бу қисм истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситаларининг ўрни қоплангандан кейин қолади ва янгидан сарфланган меҳнатни ўзида гавдалантиради.

СССР миллий даромадининг тўхтовсиз ва тез ўсишида меҳнат унумдорлигининг ошиши ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Беш йилликда оғир индустрия ва халқ хўжалигининг барча тармоқлари техника жиҳатидан янги, янада юксак босқичга кўтарилади ва шу асосда меҳнат унумдорлиги саноатда камида 50 процент, қурилишда 52 процент, темир йўл транспортида 34 процент оширилади. Миллий даромад ўсишининг 80 процентдан ортиғи меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланади.

1956 йилнинг биринчи ярмида меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан саноатда 8 процент ва қурилишда 10 процент ошди. Миллий даромадни ўстиришда меҳнат унумдорлигининг ролини кўрсатиш учун унинг бир процент ошиши туфайли қандай иқтисодий натижаларга эришилиши билан танишиш қизиқарлидир. Саноатда меҳнат унумдорлигининг бир процент ошиши ишчи кучига бўлган эҳтиёжни 165 минг кишига камайтиради, кўмир чиқаришни бир йилда 4 миллион тонна, электр қуввати ҳосил қилишни 1 миллиард 300 киловатт-соат, нефть чиқаришни 800 минг тонна, газлама ишлаб чиқаришни 75 миллион метр кўпайтиришни таъминлайди.

Халқ хўжалигида, шу жумладан қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини янада кўтаришда ишчи ва колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Якинда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Пахта етиштириш ва тайёрлашни моддий жиҳатдан рағбатлантиришни янада ошириш тадбирлари ҳақида» қарор қабул қилди. Қарорда топширилган пахта ҳосили учун, унинг сортларига қараб, тайёрлаш нархларини ошириш, тайёрлаш планидан ташқари топширилган пахтага устама мукофот жорий қилиш, МТС иши учун тўланадиган натура ҳақини камайтириш кўзда тутилган. Қарорда белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши колхозларнинг йиллик даромадларини янада кўпайтиради, колхозчиларнинг меҳнат куни бадалига оладиган даромадларини шубҳасиз оширади, уларнинг пахта ҳосилини янада оширишга бўлган моддий манфаатдорлигини кучайтиради. Бу эса пахтачилик соҳасида турган вазифаларнинг самарали бажарилишига ёрдам беради.

СССР миллий даромадининг тўхтовсиз ўсишини таъминлашда халқ хўжалиги тармоқларида ишловчилар сонининг кўпайиб бориши муҳим факторлардан бири ҳисобланади. Миллий даромад ўсишининг 20 процентга яқини ана шу фактор ҳисобига амалга оширилади. 1955 йилда ишчи ва хизматчиларнинг ўртача сони 48,4 миллионни ташкил қилди. 1956 йилнинг биринчи ярми охирида 1955 йилнинг биринчи ярми охиридагига нисбатан ишчи ва хизматчилар сони 1 миллион 200 минг киши кўпайди. 1960 йилда ишловчилар сони 55 миллионга етказилади. Мамлакатнинг шарқий ва шимолий районларида жойлашган янги корхона ва қурилишларни ишчи кучлари билан таъминлашга алоҳида эътибор берилади.

Биз, қисман бўлса ҳам, миллий даромаднинг вужудга келиши (ишлаб чиқарилиши) билан танишдик. Бу миллий даромад ҳаракатидаги биринчи босқич ҳисобланади. Иккинчи ва учинчи босқич миллий даромаднинг тақсимланиши ва ундан фойдаланишни ифода қилади. Миллий даромад истеъмол ва жамғарма мақсадлари учун фойдаланилади. Шунга асосан миллий даромаднинг жамғарма ва истеъмол фондлари ташкил этилади.

Жамғарма фонди миллий даромад умумий миқдорининг 25 процентини ташкил қилиб, у шаҳар ва қишлоқда социалистик ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва такомиллаштириш, шунингдек резервлар ташкил қилиш учун фойдаланилади. Бу фонд социалистик мулкнинг тобора ўсиши ва мустаҳкамланиши, шу асосда миллий бойликнинг кўпайишига хизмат қилади.

Беш йилликда миллий даромаднинг жамғарма фонди ҳисобидан капитал қурилиш учун 990 миллиард сўм сарфланади. Капитал маблағларнинг 400 миллиард сўмдан ортиғи, яъни юқоридаги маблағнинг ярмига яқини оғир саноатни янада ривожлантириш, янги металлургия, машинасозлик корхоналари ва йирик электр станциялари қурилишига сарфланади. 1956 йилнинг биринчи ярмида капитал харажатлар ҳажми 68 миллиард сўмни ташкил қилди, шу давр ичида 3,5 мингдан кўпроқ йирик саноат корхоналари қуриш, реконструкция қилиш ва кенгайтириш ишлари олиб борилди.

Маълумки, СССРдаги мавжуд барча кўмир запасларининг 75 процентга яқини ва гидроэнергиянинг 80 процентга яқини, ўрмон бойликларининг бешдан тўрт қисми, рангли ва нодир металларнинг асосий запаслари, кимёвий хомашёларининг, темир рудаларининг ва биноқорлик материалларининг жуда катта ресурслари мамлакатимизнинг Шарқий районларида жойлашгандир. Шу муносабат билан олтинчи беш йилликда мамлакатимиз ишлаб чиқариш кучларининг географик жойлашишига алоҳида эътибор берилади. 1960 йилда бу районларда ишлаб чиқариладиган чўян ва пўлат миқдори 1950 йилда Совет Иттифоқида тайёрланган чўян ва пўлат миқдори билан тенглашади.

Мамлакатимиз шарқий районларининг бошқа районлар билан иқтисодий алоқаларини кенгайтириш учун олтинчи беш йилликда Магнитогорск — Абдулино, Сталинск—Абакан, Барнаул—Омск ва бошқа темир йўл шохобчалари вужудга келтирилади. Шарқий районлар ишлаб чиқараш кучларининг қудратли ривожланишини таъминлаш мақсадида халқ хўжалиги учун ажратиладиган барча капитал маблағларининг ярмига яқини шу районларга сарфланади. Миллий даромаднинг жамғарма фонди ҳисобидан янги ерларни очишга, шу жумладан пахта майдонларини кенгайтириш тадбирларига катта маблағлар ажратилади. Узбекистонда 1956-1962 йилларда Мирзачўлни ўзлаштириш асосида 200 минг гектар пахта майдони очиш ва шу каби тадбирларни амалга ошириш учун сув хўжалиги қурилишларига 3 миллиард сўм, ерларни хўжалик жиҳатидан ўзлаштиришни эътиборга олганда эса, 6 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланади.

Шунингдек, беш йилликда енгил ва озиқ-овқат саноатини кенгайтиришга сарфланадиган маблағлар бешинчи беш йилликдагига қараганда 75 процент оширилади.

Истеъмол фонди миқдор жиҳатидан миллий даромаднинг 75 процентига яқинини ташкил қилади ва ундан ишчилар, деҳқонлар, интеллигенциянинг ўсиб бораётган моддий ва маданий эҳтиёжларини таъминлаш учун фойдаланилади. Истеъмол фондининг ўсиши асосида давлат ва кооператив чакана савдо товар обороти 50 процент кўпаяди. Олтинчи беш йилликда ишчи ва хизматчиларнинг реал иш ҳақи 30 процент, колхозчиларнинг реал даромадлари 40 процент оширилади. Шу билан бирга, меҳнаткашларнинг иш шароитларини яхшилашга қаратилган бир қанча тадбирлар амалга оширилади. Совет халқи Ҳукуматимизнинг дам олиш кунлари олдидан ва байрам олди кунларида иш кунини икки соатга қисқартириш, ҳомиладорларга туғиш юзасидан бериладиган отпускаларнинг муддатини узайтириш ҳақидаги қарорларини зўр қониқиш билан кутиб олди. 1956 йил 1 июлдан бошлаб ўсмирлар учун 6 соатлик иш куни жорий қилинди. 1957 йилда эса 7 соатлик иш кунига ўтилади. 1957 йилда кам ҳақ олувчи ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини ошириш учун 8 миллиард сўм сарфланади, бу группанинг иш ҳақи 33 процент кўпайтирилади.

СССР миллий даромадини, айниқса унинг истеъмол фондини тақсимлашда СССР Давлат бюджети муҳим роль ўйнайди. Ишчи ва хизматчиларга пенсия ва нафақа бериш, ўқувчиларга стипендия тўлаш, бепул медицина ёрдами кўрсатиш, бепул ўқитиш ва малакани ошириш, санаторий ва дам олиш уйларига бериш учун бепул ва енгил шартлар билан путёвкалар бериш СССР Давлат бюджети ҳисобидан қопланади. Бешинчи беш йилликда социал-маданий тадбирларга 689 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилган эди, олтинчи беш йилликда бу тадбирлар учун 970 миллиард сўм сарфланади. Бу маблағларнинг анчагина қисми шаҳар ва қишлоқларда умумий ўрта таълимни амалга ошириш, сиртқи ва кечки мактаб шохобчаларини янада ривожлантириш ва бошқа тадбирларга сарфланади. Беш йил ичида олий ва ўрта маълумотли мутахассислар тайёрлаш тахминан 1,5 баравар ошади.

СССР Олий Совети сессияси меҳнаткашларни пенсия билан таъминлашни яхшилаш мақсадида янги Қонун қабул қилди. Бу Қонунда меҳнаткашларга бериладиган пенсиялар миқдорини янада ошириш кўзда тутилади. Пенсиялар билан боғлиқ бўлган харажатлар Давлат бюджети ҳисобидан бўлади.

СССРнинг миллий даромади чинакам халқ даромадидир. У меҳнаткашлар томонидан яратилади ва уларнинг ижтимоий ва шахсий манфаатлари учун сарфланади. Янги беш йилликнинг биринчи йили бўйича берилган миллий даромаднинг ўсиши топширигини бажариш учун ишчилар, колхозчилар ва совет интеллигенцияси умумхалқ социалистик мусобақасини кенг қулоч ёйдириб, меҳнат унумдорлигини тобора ошириб боришлари, ихтирочилик ва рационализаторлик ҳаракатини янада ривожлантиришлари, хўжаликдаги ички резервлардан фойдаланишни янада кучайтиришлари ва шу асосда 1956 йил давлат планининг муддатидан илгари ҳамма кўрсаткичлар бўйича тўла бажарилишини таъминлашлари лозим.

Ҳ. СОБИРОВ,

Иқтисод фанлари кандидати.

Хитой Коммунистик партиясининг Умумхитой VIII съездида

ПЕКИН, 25 сентябрь. (ТАСС). Пекинда Хитой Коммунистик партиясининг VIII съезди ўз ишини давом эттирмоқда.

Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раисининг ўринбосари Чжоу И бугунги мажлисда биринчи бўлиб сўзга чиқиб, ҳозирги халқаро аҳвол ва Хитой Республикасининг ташқи сиёсати тўғрисида гапирди. Сўнгра Хитой Халқ Республикаси химия саноати министрлиги проектлаш бюросининг бошлиғи Тан Ди-хуа сўзга чиқиб, капитал қурилишни планлаштириш масалаларига тўхталиб ўтди. Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бирлашган фронт бўлими мудири Ли Вэ-хань ўз нутқида Хитой Бирлашган халқ демократик фронтини мустаҳкамлаш ва жипслаштириш тўғрисида гапирди. Хитой Коммунистик партияси Марказий комитети пропаганда бўлимининг ходими Сюй-Ли-цень ўз нутқини коммунистларнинг назарий ўқуви масалаларига бағишлади.

Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети пропаганда бўлими мудирининг ўринбосари Чжоу Ян адабиёт ва санъат ходимларининг вазифаларига тўхталиб ўтди. Сўнгра Синьцзян-уйғур автоном райони партия комитетининг секретари Сайфитдин сўзга чиқиб, Синьцзяндаги партия қурилиши, миллий автономия ҳамда маҳаллий миллий кадрларни тайёрлаш масалалари ҳақида гапирди.

Бугунги мажлисда машҳур ёзувчи Чжао Шу-ли, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши 6-канцеляриясининг бошлиғи Ван Шаодао, давлат техника комитетининг раиси Хуан Цзин, биринчи автомобиль заводининг директори Жао Бинь ҳам сўзга чиқдилар.

* * *

ПЕКИН, 26 сентябрь. (ТАСС). Хитой Коммунистик партияси VIII съездининг делегатлари бугун ХКПнинг янги Уставини бир овоздан қабул қилдилар.

Уставда баён қилинган асосий программ қоидаларида айтилишича, Хитой Коммунистик партияси Хитой ишчилар синфининг илғор отрядидир. Унинг мақсади—Хитойда социализм ва коммунизм қуришдан иборатдир. ХКП ўз фаолиятида марксизм-ленинизм таълимотига амал қилади.

Партиянинг вазифаси—эксплуатация системасини узил-кесил йўқотишдан, мамлакатни индустриалаштиришни мумкин қадар тез амалга оширишдан, халқ хўжалигини техника жиҳатидан реконструкциялаштиришдан иборат, токи Хитой—ҳозирги замон қудратли саноатига, ҳозирги замон қишлоқ хўжалигига, ҳозирги замоннинг транспорти ва коммуникацияларига ҳамда ҳозирги замон мудофаасига эга бўлсин. Партия томонидан бажариладиган бутун ишнинг асосий мақсади — халқнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини максимал даражада қондиришдан иборат.

Партия, дейилади Уставда, майда миллатларнинг аҳволини яхшилаш учун зўр ғайрат билан ишлаши, майда миллатлар ўртасида ўз-ўзини бошқаришга, уларнинг экономикаси ҳамда маданиятини юксалтиришга ёрдам бериши керак. Партия халқнинг демократик диктатурасини тинмай мустаҳкамлаши, ишчилар билан деҳқонларнинг қардошлик иттифоқини, барча ватанпарвар кучларнинг бирлашган фронтини мустаҳкамлаши, демократик партиялар билан ва партиясиз демократик арбоблар билан узоқ давом этадиган ҳамкорликни мустаҳкамлаши лозим. Партия Тайванни озод қилиш вазифасини бутун халқ билан биргаликда бажариши керак.

Уставда яна бундай дейилади: Хитой Коммунистик партияси турли тузумдаги мамлакатларнинг тинч-тотув яшашига тарафдордир. Партия ХХР билан дунёдаги барча мамлакатлар ўртасида дипломатия муносабатларини, шунингдек иқтисодий ва маданий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш, хитой халқи билан бошқа ҳамма мамлакатлардаги халқлар ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тарафдоридир. Партия Совет Иттифоқи бошчилигидаги тинчлик, демократия ва социализм лагерида бўлган мамлакатлар билан дўстликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун бутун кучларини сарф қилади, пролетар интернационализмини мустаҳкамлайди.

Хитой Коммунистик партияси, дейилади программ қоидаларида, идора қилувчи партия бўлиб қолди, шу сабабдан у камтар ва эҳтиёткор бўлишга алоҳида эътибор бериши, кибрланиш ва шошма-шошарликка йўл қўймаслиги ҳамда оммадан ва ҳаётдан ажралиб қолишдан иборат бюрократик ҳодисаларга қарши кураш олиб бориши лозим.

Демократик централизм, дейилади Устава, партиянинг ташкилий принципидир. Партия, партия ички демократиясини ривожлантириш учун самарали тадбирлар кўриши, барча партия аъзоларининг активлиги ҳамда ижодий ташаббусини рағбатлантириши керак.

Партиянинг программаси ва Уставини таниётган, партия ташкилотларидан бирида қатнашадиган, унда ишлайдиган, партия қарорларини бажаратган ва аъзолик взносларини тўлаб турадиган ҳар бир меҳнаткаш, ХХРнинг бошқалар меҳнатини эксплуатация қилмайдиган граждани Хитой Коммунистик партиясининг аъзоси бўла олади. Партия аъзоси марксизм-ленинизмни ўрганиши, партия бирлигини мустаҳкамлаши, партиянинг сиёсати ва қарорларини виждон билан амалга ошириши, давлат қонунларига ва коммунистик аҳлоқ нормаларига қаттиқ риоя қилиши, партиянинг ва давлатнинг манфаатларини шахсий манфаатлардан юқори қўйиши, бутун фикр-зикри билан халқ оммасига хизмат қилиши, халқ оммасидан ўрганиши, ишда намуна кўрсатиши ва ўз малакасини тинмай ошириши, ишдаги камчилик ва хатоларни очиб ташлаши, партия олдида ростгўй ва соф виждонли бўлиши, ҳушёр бўлиши, партия ва давлат сирини сақлаши керак.

Партия аъзоси партиянинг сиёсатига доир назарий ва амалий масалаларни муҳокама қилишда қатнашиш ҳуқуқига, партия органларига сайлаш ва сайланиш, партия йиғилишларида партиянинг ҳар бир ташкилоти ва ҳар бир ходимини танқид қилиш, партия ташкилоти унинг тўғрисида қарор қабул қилган ҳолларда шахсан қатнашишни талаб этиш, Марказий комитетга қадар ҳар қандай босқичдаги партия органларига ариза, шикоят ва апелляция билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

Партияга 18 ёшга кирган кишилар аъзо қилиб қабул этилиши мумкин. Партияга кирувчилар учун бир йиллик кандидатлик стажи белгиланади.

Партиянинг Умум хитой съезди, жойларда эса партиянинг маҳаллий съездлари, дейилади Уставда, партиянинг олий раҳбар органидир. Умум хитой съезди Марказий комитетни, маҳаллий съездлар маҳаллий комитетларни сайлайди. Бу комитетлар съездлар олдида жавобгардирлар ва ўз ишлари тўғрисида съездлар олдида ҳисоб бериб турадилар. Уставга киритилган қоидада айтилишича, раҳбар партия органлари қуйи партия ташкилотларининг ва партия аъзоларининг фикрига эътибор беришлари, уларнинг тажрибаларини ўрганишлари ва уларга доир масалаларни ўз вақтида ҳал этишлари керак; қуйи партия ташкилотлари юқори партия органлари олдида вақтвақт ҳисоб бериб туришлари ҳамда йўл-йўриқ кўрсатилишини сўраб, уларга ўз вақтида мурожаат қилишлари керак; барча партия ташкилотлари коллектив раҳбарликни шахсий жавобгарлик билан бирга қўшиб олиб бориш принципини амалга оширишдан, халқ хўжалигини техника жиҳатидан реконструкциялаштиришдан иборат, токи Хитой—ҳозирги замон қудратли саноатига, ҳозирги замон қишлоқ хўжалигига, ҳозирги замоннинг транспорти ва коммуникацияларига ҳамда ҳозирги замон мудофаасига эга бўлсин. Партия томонидан бажариладиган бутун ишнинг асосий мақсади — халқнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини максимал даражада қондиришдан иборат.

Партия, дейилади Устава

БМТнинг Хавфсизлик Кенгашида

НЬЮ-ЙОРК, 27 сентябрь. (ТАСС). Кеча Нью-Йорк вақти билан соат 15 да (Москва вақти билан соат 22 да) БМТ Хавфсизлик Кенгашининг мажлиси очилди. Хавфсизлик Кенгаши Англия ва Франциянинг илтимосига мувофиқ чақирилди. Англия ва Франция Миср ҳукуматининг Сувайш канали масаласида «бир томонлама ҳаракат қилганлиги» тўғрисида шикоят топширган эдилар.

Хавфсизлик Кенгаши «Баъзи Давлатларнинг, хусусан Франция ва Англиянинг Мисрга қарши қилган ва халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид қилаётган ҳамда БМТ уставини жиддий равишда бузишдан иборат бўлган ҳаракатлари» тўғрисида Миср ҳукуматининг шу йил 24 сентябрдаги шикоятини ҳам қараб чиқиши керак.

Кечаги мажлис тамомила кун тартиби тўғрисидаги мунозараларга бағишланди. Бу мажлисда Англия вакили Диксон биринчи бўлиб сўзга чиқди. У, Сувайш канали компаниясининг Миср ҳукумати томонидан национализация қилинишини «шошилинч равишда ва ўйланмасдан қилинган ҳаракат» деб атади. Диксон дастлабки кун тартибига Миснинг илтимоси билан киритилган модда «тамомила пропагандистлик руҳида» эканлигини айтиб, муҳокама вақтида Англия-Франция таҳдим этган моддага устунлик берилиши керак, деб талаб қилди.

Франция вакили Корнюе-Жантай Миснни Сувайш канали тўғрисидаги халқаро конвенцияни «бузиш»да айблади. У, Хавфсизлик Кенгашини «халқаро ахлоқни» ҳимоя қилишга чақирди. Франция вакили бир қанча мамлакатлар ташқи ишлар министрларининг келиши кутилганлигини, шу сабабдан масаланинг моҳиятини муҳокама қилишда ана шу министрларнинг иштирок қила олиши учун Хавфсизлик Кенгашининг галдаги мажлисини кечиктириш кераклигини айтди. У, Миср таҳдим этган моддани кун тартибига киритиш масаласи овозга қўйилганида бетараф қоламан, деди.

АҚШ вакили Лодж Англия ва Франциянинг Хавфсизлик Кенгашига қилган мурожаатини табриклади. У, «Сувайш каналидан фойдаланувчилар уюшмаси»ни таъсис этиш йўлидаги уринишлар Сувайш канали масаласини тинч йўл билан ҳал этишга бўлган ҳоҳишни ифода этади, деб даъво қилди. Америка делегати ҳар иккала моддани кун тартибига киритишни ёқлаб овоз бераман, деди ва шу ондаёқ Миср томонидан Англия ва Францияга қарши қўйилган айбларга асло қўшилмайман, деб писанда қилди.

Шундан кейин Совет Иттифоқи вакили А. А. Соболев сўзга чиқди.

Совет вакили айтдики, Сувайш канали компанияси Миср томонидан национализация қилиниши билан Англия, Франция ҳукуматлари Мисрга нисбатан асоссиз ва сурбетларча тазйиқ кўрсатиш йўлига ўтдилар. Мисрга нисбатан иқтисодий репрессияни қўллардилар, ҳарбий характердаги тадбирларни, шу жумладан, резервлардагиларни мобилизация қилиш, десантларни тайёрлаш, ҳарбий-денгиз, ҳарбий-ҳаво кучларини ва қуруқликдаги кучларни Мисрга бевосита яқин жойларга тўплаш каби тадбирларни амалга ошира бошладилар.

Кемалар Сувайш каналидан ўтказилганлиги учун Мисрга тегишли қанча тўламаслик планлари илгари сурилмоқда. Сувайш каналининг собиқ компанияси канал национализация қилинган биринчи кунларданоқ Франция ва Англиядаги муайян доираларнинг маъқуллаши ва қўллаб-қувватлаши билан каналда кемалар қатновини ташкил этишга уриниб кўрди. 15 сентябрдан бошлаб эса хизматчиларни ва лоцманларни каналдан чақириб олди ва шундай қилиб, Сувайш каналининг нормал ишлашига қасдан ҳалақит бериш йўли билан Миср ҳукумати каналда кемалар қатновини таъмин эта олмайди, деган таассуротни вужудга келтиришга уринди.

Сўнгра Соболев бундай деди: Ғарб давлатларининг ҳаракатлари натижасида Яқин ва Ўрта Шарқдаги вазият кескинлашган бир пайтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Сувайш канали масаласини ҳал этишдан четда қололмайди. Хавфсизлик Кенгаши, БМТ нинг Устави талаб қилганидек, ана шу халқаро жанжални тинч бартараф қилишга ёрдам бериш учун рўй берган аҳволни муҳокама қилмоғи лозим. Шу сабабдан Совет Иттифоқи делегацияси Миср ҳукумати томонидан тақдим этилган масалани Хавфсизлик Кенгашининг кун тартибига киритиш тўғрисидаги илтимосни қувватлайди.

Англия ва Франция тақдим этган моддага келганда шуни айтиш керакки, Англия ва Франция ҳукуматларининг рўй берган аҳвол учун жавобгарликни Миср зиммасига ағдаришга уринаётганликлари масаланинг формулировкасидан яққол кўриниб турибди. Миср ҳукуматининг миср хусусий компаниясини национализация қилишдан иборат ана шу тадбирини Англия ва Франция тинчликка хавф туғдирали ва 1888 йил конвенциясини бузади, деб кўрсатишга уринмоқда.

Аммо Мисрга қарши қўйилган бу айб ҳеч нарсага асосланмаган ва фактлар билан тасдиқланмайди. Шу билан бирга, Хавфсизлик Кенгашига Миср ҳукуматининг Сувайш канали компаниясини ўзи Миср компанияси деб ҳисобланган компанияни национализация қилишдан иборат тадбирларини муҳокама қилиш билан шуғулланиш таклиф этилади. Ҳар бир ҳукуматнинг ҳар қандай компанияни национализация қилишига доир масалалар аслида ўша давлатларнинг ички иши бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида қараб чиқилиши мумкин эмаслиги тўғрисида кимда шубҳа туғилиши мумкин, ахир.

Лекин шунга қарамай, Совет Иттифоқи делегацияси Хавфсизлик Кенгаши Англия ва Франциянинг шикоятини ҳам муҳокама қилиши керак ва жанжални кўриб чиқиш вақтида Хавфсизлик Кенгашининг вазифаси ҳар икки томоннинг фикрини эшитишдан ва ҳар қандай жанжални қараб чиққан вақтда объектив иш юритиш риоя қилишдан иборат эканлигини кўзда тутиши лозим, деб қисоблайди.

Шунга биноан, совет делегацияси дастлабки кун тартибида кўрсатилган ҳар икки моддани кун тартибига киритиш тарафдори эканлигини билдиради.

Хавфсизлик Кенгашининг ана шу моддаларни қай тартибда кўриб чиқишига келганда, Совет Иттифоқи делегациясининг фикрича, Миср ҳукумати томонидан таҳдим этилган моддага устунлик берилиши лозим. Мен, Миср таҳдим этган моддага устунлик бериш тўғрисидаги таклифни Хавфсизлик Кенгашининг муҳокамасига расмий суратда киритаман.

Югославия вакили Брилей дастлабки кун тартибини таҳдим этилган тартибда тасдиқлаш кераклигини, шунингдек Хавфсизлик Кенгашида ҳар иккала масалани бир вақтда муҳокама қилиш кераклигини айтди. У, кун тартибидаги ана шу ҳар икки моддани алоҳида-алоҳида муҳокама қилиш амалий жиҳатдан мумкин эмас, деб таъкидлади.

Эрон вакили Абдоҳ ҳам ҳар иккала моддани кун тартибига киритишни ёқлаб гапирди ва масалани шу тарзда ҳал этиш Сувайш канали проблемасини тинч йўл билан бартараф қилишга ёрдам беради, деган умидни билдирди.

Уокер (Австралия) Миср ҳукуматининг шаънига асоссиз ва жўда дағал гапларни айтди. Натижада Хавфсизлик Кенгашининг раиси уни тартибга чақиришга мажбур бўлди. Австралия вакили Миср томонидан таклиф этилган моддани кун тартибига киритишга қарши эътироз билдирди.

Диксон иккинчи марта сўз олиб, Совет Иттифоқининг Сувайш канали масаласидаги позицияси унинг халқаро сув йўлларида кемаларнинг эркин қатновига доир бошқа масалаларда тутган аввалги позициясига ҳилофдир, деди. Диксон Мисрга қурол-ярог етказиб берилаётганлиги тўғрисидаги масалага ҳам тўхталиб ўтди, ҳолбуки, бу масаланинг Хавфсизлик Кенгаши кун тартибини муҳокама қилишга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

А. А. Соболев Диксонга жавоб қайтариб айтдики, Англия вакили Хавфсизлик Кенгашининг эътиборини кун тартибини муҳокама қилишдан четга тортишга уринмоқда. Диксон жаноблари, деди у, Совет ҳукуматининг халқаро йўлларда кемаларнинг эркин қатнови тўғрисида турли вақтларда қилган баёнотлари билан унинг ҳозирги пайтда тутган позицияси ўртасида зиддият топишга уринди. Аммо бунда ҳеч қандай зиддият йўқ. Совет ҳукумати илгари ҳам, ҳозирда ҳам кемаларнинг эркин қатнови тарафдоридир. Совет ҳукумати ана шу принципни қаттиқ ҳимоя қилиб келди ва ҳимоя қилмоқда.

А. А. Соболев сўзини давом эттириб бундай деди: Миср ҳукумати ҳам барча кемаларнинг Сувайш каналида эркин қатновини гарантиялашини айтганлиги жуда аёндир. Бу гарантия амалга оширилаётганлиги буни шубҳасиз исбот этади. Британия кемалари канал национализация қилинган пайттача каналда қандай эркин қатнаган бўлсалар, ҳозир ҳам шундай эркин қатнаётганликлари ва лоцманларга чақириб олиб, кемаларнинг каналдаги қатнов тартибини бузаётган ҳукумат Миср ҳукумати эмаслиги ҳаммага аёндир.

Совет Иттифоқининг қурол-ярог сотиши тўғрисидаги масалага келганда шуни айтиш керак, Англия Яқин Шарқдаги турли мамлакатларга қурол-ярог сотганлиги ва ҳозирда ҳам сотаётганлиги Диксон жанобларига маълум. Диксон жаноблари Яқин Шарқда кимнинг, қачон ва кимга ҳамда қандай мақсадлар учун қурол-ярог етказиб берганлиги тўғрисидаги ахборотни айрибошлашни истаса, биз бунга қарши эътироз билдирмаймиз.

Совет Иттифоқининг вакили сўзининг охирида айтдики, мен ўзимнинг биринчи нутқимда Англия ва Франциянинг ҳаракатларига баҳо беришни ўз олдимга вазифа қилиб қўйганим йўқ, балки Хавфсизлик Кенгашининг конфликтни тинч бартараф қилиш мақсадида мазкур масалани қараб чиқиши кераклиги тўғрисидаги таклифларни асослаш учун ҳаммага маълум баъзи фактларнигина келтириб ўтдим, холос.

Перу ва Куба вакиллари ҳар иккала моддани Хавфсизлик Кенгашининг кун тартибига киритишни ёқлаб гапирдилар. Бельгия вакили Миснинг шикоятини муҳокама қилишга қарши эътироз билдирди.

7 делегация (СССР, Югославия, АҚШ, Эрон, Куба, Перу ва чанкайшичилар вакили) Миср таҳдим этган моддани кун тартибига киритишни ёқлаб овоз берди. Тўрт делегация — Франция, Англия, Австралия ва Бельгия делегациялари овоз бериш вақтида бетараф қолдилар. Англия ва Франция таҳдим этган модда бир овоздан кун тартибига киритилди.

Югославия вакилининг ҳар иккала масалани бир вақтда муҳокама қилиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинмади. Кун тартибидаги моддаларни навбатма-навбат муҳокама қилиш тўғрисидаги масала овозга қўйилмади. Хавфсизлик Кенгаши кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилишда қатнашиш учун Миср вакилини чақиришга қарор қилди. Хавфсизлик Кенгаши Исроил ҳукуматининг ўз нуқтаи назарини изоҳ қилиш имконини бериш ҳақидаги илтимосини қараб чиқди. Хавфсизлик Кенгаши аъзоларининг ўз ҳукуматлари билан маслаҳатлашишларига имкон бериш учун бу масалани ҳал этиш келгуси мажлисга қолдирилди.

Хавфсизлик Кенгашининг галдаги мажлисини ўтказиш вақти раис томонидан Хавфсизлик Кенгашининг аъзолари билан маслаҳатлашилганидан кейин белгиланади.

Италия Коммунистик партиясининг съездига тайёргарлик

РИМ, 26 сентябрь. (ТАСС). Италия Коммунистик партиясининг VIII съездига тайёргарлик кўрилаётганлиги муносабати билан партия секретариати барча партия ташкилотларига қарата мурожаат эълон қилди. Секретариат бу мурожаатида «марксча адабиётни, биринчи галда марксизм классикларининг асарларини, Италия ишчилар ҳаракати тарихига бағишланган асарларни ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX съездининг материалларини ўрганиш ва пропаганда қилишни кенгайтириш ҳамда яхшилашга» чақиради.

Италия Коммунистик партияси Марказий комитетининг пленуми

РИМ, 26 сентябрь. (ТАСС). Бугун Римда Италия Коммунистик партияси марказий комитетининг пленуми очилди. Бу пленум партиянинг VIII съездига тайёргарлик тўғрисидаги масалага бағишланди. Пленумда Италия Коммунистик партияси Марказий комитети бош секретарининг ўринбосари Лунжи Лонго доклад қилди.

Президент Сукарно Прагадан жўнаб кетди

ПРАГА, 26 сентябрь. (ТАСС) Индонезия Республикаси президенти Сукарно бугун Прагадан жўнаб кетди. Сукарнони Чехословакия Республикасининг президенти А. Запотоцкий, ҳукумат раиси В. Широкий, Миллат Мажлиси раиси З. Фирлингер ва бошқа расмий шахслар кузатиб қолдилар.

Бугун Чехословакия радиоси президент Сукарнонинг Чехословакияга қилган сафари якунлари тўғрисидаги ахборотни эшиттирди.

Ахборотда бундай дейилади: Президент Сукарно Чехословакияда халқаро проблемалар юзасидан, ҳам шунингдек Чехословакия билан Индонезия ўртасидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳам музокаралар олиб борди. Музокаралар самимий ва дўстона вазиятда ўтди. Президент Сукарнонинг визити ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстлиқни мустаҳкамлашга ёрдам берди. Чехословакия Республикасининг президенти А. Запотоцкий президент Сукарнонинг Индонезияга бориш тўғрисидаги таклифини қабул қилди.

Ҳиндистон вице-президенти Радхакришнан Индонезияга келди

ЖАКАРТА, 26 сентябрь. (ТАСС). Ҳиндистон республикасининг вице-президенти доктор Радхакришнан бугун яхши ният визити билан Жакартага келди.

Жакарта аэродромида уни Индонезия Республикасининг вице-президенти Хатта, Индонезия парламентининг раиси Сартоно, бош министр Састроамиджойо ва давлатнинг бошқа арбоблари кутиб олдилар. Вице-президент Радхакришнан микрофон олдида нутқ сўзлаб, тинчликка эришиш ва бутун инсониятнинг гуллаб-яшнашига эришиш йўлида ишлашдан иборат умумий бир мақсад Индонезия билан Ҳиндистонни бирлаштиради, деди.

Вице-президент Радхакришнан Индонезияда давлат меҳмони сифатида беш кун бўлади ва шундан кейин Японияга ҳамда Хитой Халқ Республикасига визит билан боради.

Япония «Сувайш каналидан фойдаланувчилар уюшмаси»да қатнашишдан бош тортди

ЛОНДОН, 26 сентябрь. (ТАСС). Рейтер агентлигининг Токио мухбири билдиради: Бугун Токиода Япония ташқи сиёсати раҳбарларининг кенгаши бўлди. Бу кенгашда Англиянинг «Сувайш каналидан фойдаланувчилар уюшмаси»да қатнашиш тўғрисидаги таклифини рад этишга қарор қилинди.

ҲИНДИСТОН ШАХМАТЧИЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНГА ҚЕЛДИ

Москвада ўтказилган XII халқаро шахмат олимпиадасида қатнашган Ҳиндистон шахматчилари командаси 27 сентябрда Тошкентга келди.

Тошкент аэродромида меҳмонларни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт республика комитетининг масъул ходимлари, шахматчилар, пойтахтдаги спорт ташкилотларининг вакиллари кутиб олдилар.

Ҳиндистон шахматчилари Ўзбекистонда бир неча кун бўладилар. Улар Ўзбекистон республикасининг энг кучли шахматчилари билан ўртоқлик матчида шахмат ўйнайдилар. (ЎзТАГ).

Областимизда



Тошкент. Суратда: реконструкция қилинган Ҳамза кўчасининг кўриниши. А. Котулев фотоси.

ЛЕНИНГРАДЛИК СТУДЕНТЛАР ТОШКЕНТДА

А. А. Жданов номидаги Ленинград давлат университети шарқшунослик факультетининг бир группа студентлари бир ой давомида Тошкент шаҳрида практикада бўлдилар. Практикага филология фанлари кандидати Татьяна Евгеньевна Катенина раҳбарлик қилди.

Практикантлар Тошкентда В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё давлат университетининг ўқитувчиси ўртоқ Хартун билан биргаликда ҳинду, урду, махарат тиллари ихтиослиги бўйича иш олиб бордилар. Ленинградлик студентлардан Людмила Чернова, Лилль ва Борис Кузнецовлар ҳинд тилларини яхши ўрганиб олганликларини кўрсатдилар.

Практика давомида ленинградлик студентлар ўзбек студентлари билан дўстлашдилар ва Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар.

МАДАНИЙ ХИЗМАТ

Тошкент область қишлоқ хўжалик касаба союз комитети томонидан ташкил қилинган агитмашина областнинг совхоз ва МТСларига жўнаб кетди.

Яқинда агитмашина Оққўрғон ва Қуйи Чирчиқ районларидаги «Оқкўрғон», «ЎзССР беш йиллиги» совхозларида, 1, 2, 3-Қуйи Чирчиқ МТСларида бўлди. Агитмашинада кутубхона, илғор пахтакорлар ва механизаторлар тажрибасини оммалаштирувчи стендлар, витриналар ҳамда бадиий ва қишлоқ хўжалигига оид адабиётлар виставкаси бор.

Шунингдек, қишлоқ хўжалик артелининг аъзолари ва механизаторлар учун «Ўзбекистон—СССРнинг асосий пахта базаси» деган темада ва халқаро аҳвол тўғрисида лекциялар ўқилмоқда. Лекциядан сўнг бадиий ва ҳужжатли кинофильмлар кўрсатилаётир.

ЯНГИ МАГАЗИН

Яқинда шаҳарнинг Шота Руставели кўчасида СССР Қурилиш ва йўл машинасозлиги министрлигига қарашли механизациялаштирилган асбоб-ускуналар билан савдо қилувчи янги магазин биноси қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди.

Бундай магазин Тошкент шаҳрида шу вақтга қадар йўқ эди. Ҳозир бу магазин пневматик ва электр асбоблари, запас қисмлар ҳамда техникага оид қўлланмалар билан савдо қилмоқда.

КОЛХОЗДА ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР

Сирдарё районидаги «XVIII партконференция» колхоз правлениеси колхозчи аёлларга гамхўрликни ошириш мақсадида 3 хонали туғруқхона биноси қурди. Шунингдек туғруқхонани, болалар боғчасини ҳамда 200 бош сигир сиғадиган янги молхонани сув билан таъминлаш учун 25 минг кубометр сув сиғадиган босим башняси қурилди. Ҳозир туғруқхона, боғча ва молхонага водопровод қувурлари ўтказилмоқда.

А. АРСЛОНОВ.

ҲУНАР ЎРГАНМОҚДАЛАР

Оржоникидзе районидаги Сталин номли колхоз клуби ҳузурида бадиий кашта тикиш ва бичиш-тикиш тўгараклари ташкил қилинган эди. Ҳозир тўгарак машғулотларига 60 га яқин колхозчи аёллар қатнашмоқда.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти қишлоқ аёлларининг ҳунар ўрганишига катта эътибор бераётир. Тўгарак учун иккита оёқ ва 2 та қўл машинаси олиб берилди.

А. ЛАТИПОВ.

Пискент районидаги пахта заводининг лаборанткаси Нина Туесьева тола сифатини тез муддат ичида ажратиш билан завод коллективининг ҳурматига сазовор бўлмоқда. Суратда: ВЛКСМ аъзоси Нина Туесьева тола сифатини аниқламоқда.

Г. Пуи фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси)

НОДИР ҚУЛЁЗМАЛАР

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтида кўп миқдорда нодир қўлёзмалар сақланади. Институт фонди шу кунларда нодир қўлёзма асарлар билан системали равишда бойитилмоқда.

Яқинда институтга XV асрга оид Абулҳай Ҳаювнинг «Солнома» деган қўлёзма асари олинди. Нодир қўлёзма дунёда фақат уч нусхадан иборат бўлиб, бундан иккитаси Тошкент Шарқшунослик институтида, биттаси Лондондаги Британия музейида сақланмоқда.

Қўлёзма 30 га яқин бадиий миниатюрани ўз ичига олади. Миниатюраларда қадимги Ўрта Осиё халқларининг XVI асргача бўлган тарихи батафсил ҳикоя қилинган.

ЗАВОД ҚЕНГАЙТИРИЛАДИ

Мирзачўл массивидаги саноат корхоналарини янада кенгайтириш учун давлат томонидан кўплаб маблағ ажратилаётир.

Далварзин пахта тозалаш заводини кенгайтириш учун бу йил бир миллион 229 минг сўм маблағ ажратилган эди. Завод ишчилари ана шу маблағдан тежаб-тергаб фойдаланиб ўз корхоналарини кенгайтирмоқдалар. Завод территорияси ўтган йилдагидан анча кенгайди. Жумладан, қўшимча уй-жой бинолари қурилди, пахта тозалаш ва қуритиш цехлари ишга туширилди.

Ж. ТУЛАГАНХУЖАЕВ.

ҲОДИСА

ЭҲТИЕТСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Краснодон проездидаги 8-номерли уйда яшовчи гражданка Овсянникова ўтга қарши кураш қоидаларини бузиб, подвалда бензин сақлар эди. Бундай ҳолда бу ерда бензин бўғлари тўпланиб қолиши табиийдир.

Яқинда гражданка Овсянникова ғужгут ёқиб, подвалга тушди. Шунда бензин бўғлари бирдан алангаланиб кетди ва ношуд уй эгасини оғир ярадор қилди.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

„СССРда хотин-қизларнинг ҳуқуқий тенглиги“ халқаро семинари қатнашчилари Ўзбекистондан жўнаб кетдилар

«СССРда хотин-қизларнинг ҳуқуқий тенглиги» халқаро семинари қатнашчилари группаси 27 сентябрда самолетда Тошкентдан Сочига жўнаб кетди. Меҳмонлар жўнаб кетиши олдидан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Е. Насриддинова улар шарафига зиёфат берди. Бу зиёфатда СССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари бўлган хотин-қизлар, министрлар, жамоатчилик вакиллари ҳозир бўлдилар.

Сурандаги хотин-қизлар жамиятининг аъзоси Сурайё Омбаби Ўзбекистондан жўнаб кетар экан, ЎзТАГ мухбирига ўз таассуротларини сўзлаб берди:

Мен Ўзбекистон хотин-қизларига қойил қолдим. Улар эркаклар билан биргаликда республиканинг сиёсий, хўжалик ва маданий ҳаётида актив қатнашмоқдалар. Мен министр ва министр ўринбосарлари бўлиб ишлаётган хотин-қизларни кўрдим. «Қизил Ўзбекистон» колхозида хотин-қизларнинг колхоз ишлаб чиқаришида актив қатнашаётганликларини ва ўқиб, ўз билимларини ошираётганликларини кўздан кечирдим. Мен ўқитувчи бўлганлигим сабабли, халқ маорифи масалалари билан қизиқдим. Биз бориб кўрган 20- ўзбек ўрта мактаби бизда унутилмас таассурот қолдирди. Бу ерда болалар илм олмоқдалар, ўзбек, рус, инглиз, француз тилларини ўрганмоқдалар. Тошкентда институтлар, техникумларнинг кўплигига қойил қолиш мумкин.

Бирма миллатлар палатасининг аъзоси До Со Шуе бундай деди:

— Дунёнинг турли қисмидаги хотин-қизларнинг шундай учрашувлари мамлакатлар ўртасидаги дўстона муносабатларигина эмас, балки халқаро тинчликни ҳам мустаҳкамлашига астойдил ишонаман. Тинчлик ва халқларимизнинг фаровонлигини таъминлаш йўлида бу дўстлигимиз доимо мустаҳкамлансин! (ЎзТАГ).

ТЕАТРЛАРДА:

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТР БИНОСИДА — Алишер Навоий номли опера ва балет театрининг спектакллари — 28/IX да **Тоҳир ва Зуҳра**. Спектаклда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлардан **С. Ярашев, С. Қобулова, М. Давидов**, солистлардан **Ж. Низомхўжаев, Ф. Носирова, С. Беньяминов** ва бошқалар иштирок этади. 29/IX да **Риголетто**.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун **Ҳақиқат йўли**.

«ЕШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 9 яримда **Оқ бароқ**, қолган сеансларда **Паром**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Паром**.

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ХИВА», «УДАРНИК» — **Паром**.

«ИСКРА» — **Ҳақиқат йўли**.

«ИСКРА» (Кафанов номли парк) — **Рўёбга чиқмаган орзулар**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

бугун

МАВСУМ ОЧИЛАДИ

КАТТА ТОМОШАЛАР

3 бўлимда

томоша кеч соат 8 да бошланади. 30/IX да томоша кундуз соат 1, 4 ва кеч соат 8 да бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

ТОШОБЛПОТРЕБСОЮЗНИНГ ТАЙЁРЛАШ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОНТОРАСИ

1956 йил 1 майдан 31 июлгача топширилган

ЖУН ҲАҚИНИ ҚАЙТАДАН ҲИСОБ ҚИЛАДИ

Фарқини шаҳар конторасидан тўлайди. Адрес: Шота Руставели кўчаси, 228-уй (3-автобуснинг «Ўзгариш» остановкаси).

Жун топширувчилар ўзларига тегишли фарқни олиш учун топширилган жун квитанциясини олиб келишлари лозим.

РЕСПУБЛИКА ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРИГА ВА ОБЛАСТЬ ГАЗЕТАЛАРИГА

1957 йил учун

ОБУНА ҚИЛИШ БОШЛАНДИ

Обуна почта бўлимларида, Тошкент почтамтида (иш соатларида), «Союзпечать» Тошкент шаҳар бўлимида соат 9 дан 19 гача (дам олиш кунларида эса соат 9 дан 18 гача), шунингдек муассаса ва ўқув юртлари, фабрика ва заводлар, колхоз, совхоз ва МТСлардаги жамоат обуна вакиллари томонидан қабул қилинади.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриёти.

Тошкент шаҳар, Вилоят кўча, Узумзор проезд, 12-уйда турувчи **Борис Семенович Исахаровнинг** шу уйда турувчи Рива Нисимовна Рафаилова (Исахарова)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 7-участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 08913. «Қизил Ўзбекистон», «Правда», Востока» ва Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр № 1531.